ЛИДЕР ШАХСИ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ СИФАТИДА

М. Иноятов

Мақолада мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва уни мустаҳкамлашда лидер шахсининг халқ манфаати йўлидаги йўлбошчилик фаолиятининг аҳамияти ёритиб берилган.

***Калит сўзлар**: мустақиллик, халқ, стратегия, шахс, лидер, жамият, истиқбол.*

В статье показаны роль и значение деятельности лидера во благо интересов народа в обретении и укреплении государственной независимости.

***Ключевые слова**: независимость, народ, стратегия, личность, лидер, общество, будущее.*

This article shows the leading role of the state leader in gaining and strengthening independence for the sake of people's interests.

***Key words:** independence, people, development, strategy, personality, leader, society, social foundation, future.*

Инсоният тарихида ҳар бир халқнинг мустақил яшаши ва эмин-эркин ҳаёт кечириши учун доим ҳам етарли шарт-шароитлар бўлавермагани маълум. Ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш ва ўзи яшаётган ҳудудда мустақил яшаш туйғуси эса барча халқларга хос тарихий тушунчалардан биридир. Асрлар давомида шу туйғу эрксиз халқларни курашга чорлаган ва бу йўналишдаги турли-туман ҳаракатлар мустақиллик учун курашлар тарихи сифатида намоён бўлган.

Ўзбекистон халқи ҳам қадимдан ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашиб келган, бу йўлда қанчадан-қанча қурбонлар берган. Тарихимизда истиқлолга эришилган ва мустақил тараққиёт

йўлидан борилган даврлар билан бирга, эрк ва истиқлол бой берилган, эл босқинчилик заҳматларини тортган, мустамлакачилик исканжасига тушган замонлар ҳам кўп бўлган. Яъни бутун дунёга хос бўлган инсоният тарихидаги мустамлакачилик ва унга қарши миллий мустақиллик учун курашлар тарихи бизнинг халқимизни ҳам четлаб ўтмаган, унинг ҳам бу жабҳадаги ўзига хос кечмиши борлиги шубҳасиз.

Бундай даврларда халқларнинг йўлини юлдуздек ёритган, ўз ақл кучи ва тафаккури, мардлиги ва матонати билан уни мустақиллик томон бошлаган, ҳаётини ана шу эзгу ишга бағишлаган қаҳрамонлар, буюк кишилар, лидер шахслар ҳам етишиб чиққан. Афсонавий Широқ ва Тўмарис, Манас ва Алпомишдек қадимги замон қаҳрамонлари, Спитамен ва Муқанна, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур, Симон Боливар ва Жузеппе Гарибальди, Махатма Ганди ва Жавоҳарлал Неру каби лидер шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти бунинг яққол мисолидир. Ана шундай кишиларнинг кўплаб халқлар тарихида мавжудлиги ушбу тарихий феноменнинг ижтимоий илдизлари, юзага чиқиш қонуниятлари билан боғлиқ умумий жиҳатлар ва ҳар бир халққа хос миллий-этник хусусиятларга эга эканидан далолат беради.

Ўзбекистонда истиқлол учун кураш ва унга эришилганидан кейин мустақилликни мустаҳкамлаш даврига келиб мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов ва ҳозирги кунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг тарих саҳнасига чиқиши юртимизда ҳам ана шундай тарихий жараённинг тадрижий тарзда амалга ошаётганидан далолат беради.

Бундай лидерлари бошчилигида мустақилликка эришган ҳар бир халқ, ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият ва давлат бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Худди шундай Ўзбекистон ҳам истиқлол арафасидаёқ И.Каримов раҳбарлигида эскича яшаш мумкин эмаслигини англаган ва ўзининг тараққиёт йўлини танлаб ола бошлаган эди.

Аслида бундай вазиятнинг шаклланиш сабабларини шўро тузуми мазмун-моҳиятидан излаш лозим. Профессор М.Шарифхўжаев таъкидлаганидек: “Социализм тараққиётнинг магистрал маршрути белгиланган ва бу йўлдан манзил томон дадил кетаётгандек бўлиб кўринди, бунга жуда кўп одамларни ишонтира олди ҳам. Аммо қилинган барча ҳаракатлар тараққиётнинг юқори чўққисига олиб келмади, чунки аввал бошданоқ танланган йўл боши берк кўчага олиб борадиган йўл эди” [1.191]. Бу эса, ўз навбатида, тараққиётнинг янги йўлига ўтишни талаб қилар эди.

Мавзунинг бу жиҳатини И.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари асосида ўрганиш истиқлол арафасида юртимизда рўй берган кескин сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳалардаги баҳс, тортишув, курашлар, XX аср охирида собиқ иттифоқдаги миллатлар, марказ ва республика раҳбарлари аро зиддиятлар, таназзул сабабларини аниқлаш, иттифоқдош халқлар ўтмиши ва XX аср охиридаги ҳолатини қиёслаш, истиқлол ва истиқбол ҳақидаги режа-ўйлар тўғрисидаги мисоллар билан танишиш имконини беради.

Китобда ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий таназзул ва маънавий кемтикликлар собиқ иттифоқнинг сўнг даврида мамлакатни қамраб олган номувофиқликлар ва зиддиятлар билан боғлиқ экани яққол кўрсатиб берилган. Халқимизга нисбатан камситишлар ва турли қатағонлар илдизи чуқур бўлган, айниқса, ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталаридаги “ўзбеклар иши”, “Гдлян ва Иванов фаолияти” бунинг ёрқин кўринишидир. Аслида, Гдлян ва Ивановлар шафқатсиз, манфаатпараст ижрочилар бўлгани маълум ва уларнинг фаолияти натижасида 1983 йилдан кейин Ўзбекистон ҳукуматида, партия Марказқўмида ярқ этган раҳбар – шахс қолдирилмаган. Вазиятдан марказдагилар фойдаланиб қолган: на раҳбарлик уқуви, на кенг таҳлилий иқтидори бўлмаган баъзи кишилар Ўзбекистонга бошқарувчи кадрлар сифатида юборилган.

Шу тариқа катта бир республикага раҳбар бўлиб олганлар ўз лавозимларини суиистеъмол қилиб, ўзлари билганча иш тутишар эди. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида бунга доир кўплаб мисоллар келтирилган: “Могильниченко, Бессарабов ҳамда уларнинг энг фаоли Пономаревни бир эсланг, – деб ёзади асар муаллифи, – Улар биринчи котиб хонаси эшигини чап оёғи билан очиб киришарди...” [2.385]. Уларнинг бундай қилиш учун ўзларида ҳуқуқ бор, деб ҳисоблашгани аниқ, чунки ортларида собиқ марказ турар эди. Бу ҳақда ачиниш билан ёзар экан муаллиф таъкидлайдики: “Фақат 1989 йилда Ўзбекистонда Гдлян ва Иванов “фаолиятига” қарши кураш авжига чиққан вақтдан бошлаб ҳушимизга келдик. Халқ хақоратланган эди, қадимий цивилизация, жуда бой маданиятга, буюк меъморлар ва мутафаккирларга эга бўлган бу халқни тиз чўктиришни хоҳлашарди” [2.386].

Собиқ иттифоқ ҳаётининг сўнгида Ўзбекистон учун ниҳоятда муҳим кўплаб масалаларга эътиборсизлик мавжуд эди. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида бу қуйидагича

акс этган: “... съезд қарорларига ҳеч бўлмаса бирорта керакли сатр киритиш учун қанчадан-қанча қийинчиликларга дуч келинар, азоб тортилар эди. XXVIII съездни олиб кўрайлик. Беш республика вакиллари Орол фожиасига доир резолюция қабул қилиниши учун қанча уринганини эсга олинг. Съезд жуда кўп қарорлар қабул қилди. Лекин бизнинг, айтиш мумкинки, Орол бўйидаги одамлар аслида ўлиб кетаётгани, генофондимиз ҳалокатга йўлиқаётгани тўғрисидаги қалб ҳайқириғимизни ҳеч ким эшитмади, пешонамиз метиндек қалин деворга урилаверди” [2.384-385].

Албатта, бундай шароитни ўзгартириш, бошқа йўлга ўтиш зарур эди ва ўша даврдаёқ бу борада айрим ишлар амалга оширилаётган эди. Масалан, мустақилликдан икки йил муқаддам ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши ана шундай қадамлардан бири эди. Зеро, “...ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб тўғри айтишади. Лекин она тилимизни билиш йўлидаги интилишларимизни, ҳаракатларимизни рус тилига қарама-қарши, русийзабон биродарларимиз билан алоқани бузиш деб англаш мутлақо нотўғри бўлур эди” [2.69-70]. Худди шунингдек, халқимизнинг асрий анъаналари ва урф-одатларининг яққол намунаси бўлган “Наврўз”нинг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ҳам мустақиллик сари йўлнинг бошланишига мисол сифатида қаралиши мумкин, албатта.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг умрини ўтаб бўлган маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт йўлини танлаб олди. Бугун босиб ўтилган йўл, эришилган ютуқ ва натижаларга холисона баҳо бериб, айтиш мумкинки, ислоҳотларнинг “шок терапияси” усулидан онгли равишда воз кечилиб, тадрижий тараққиёт йўли танлангани туфайли халқимизни оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлинганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Қолаверса, истиқлол йилларида юқори ўсиш суръатларига эришилгани, жамиятимизда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий барқарорлик таъминлангани, унинг маънавий-маърифий негизлари мустаҳкамлангани, умуман, жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, мамлакатни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Давлатимизга Ислом Каримов раҳбарлик қилган истиқлолга эришиш ва дастлабки ислоҳотлар даврида халқимиз маданий ва барқарор бозор иқтисодиёти, ошкора сиёсатга асосланган фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим босқичини босиб ўтди.

Мустақиллик туфайли бугун халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз кучи ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган тарихий бир даврни бошидан кечирмоқда. Бу жиҳатдан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг бугунги Ўзбекистоннинг лидери сифатидаги кенг қамровли фаолияти ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аввало, таъкидлаш жоизки, Ш.М.Мирзиёев мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврдаёқ ниҳоятда самарали фаолият олиб борди. Ҳукумат бошлиғи сифатида кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатимизни модернизациялаш ва янгилаш, йирик ва ноёб лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш, хусусий мулкни ривожлантириш, иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кескин ошириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлашда ўзининг юксак салоҳияти ва моҳир ташкилотчилик қобилиятини намоён этди.

Президентимизнинг стратегик дастуридан мамлакат иқтисодиётини индустриал ривожлантириш, юртимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини олиб бориш, аҳолининг турмуш ва меҳнат шароитини тубдан яхшилашга қаратилган кенг кўламли ва самарали тадбирларни амалга оширишга доир социал-иқтисодий масалалар билан бир қаторда, таълим, фан, соғлиқни сақлаш тизимларини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, оналик ва болаликни кучли муҳофаза қилиш каби кечиктириб бўлмайдиган масалалар устувор вазифа сифатида муҳим ўрин эгаллади. Ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб институти ҳисобланган маҳалланинг нуфузи ва обрўсини янада ошириш, шунингдек, бошқа жамоат ташкилотларини демократик ислоҳотларга кенг жалб этиш орқали жамиятда уларнинг мавқеини мустаҳкамлаш, миллий-маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил ривожлантириш ишларига юқори даражада эътибор қаратилди.

Ўзбекистон лидерининг ҳозирги даврда амалга ошираётган фаолияти учун асос бўлган тамойилларни англашда 2017 йил 7 февралдаги

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тарихий ҳужжатнинг бош мақсади – истиқлол йилларида самарали амалга оширилиб келаётган демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янада чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Бу дастурда давлатимизнинг жадал ривожланиши йўлида халақит бериши мумкин бўлган тўсиқлар ҳар томонлама таҳлил этилган ҳолда, юртимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб оладиган ва эҳтимол тутилган хавф-хатарларнинг олдини олиш, яқин ва олис истиқболга мўлжалланган энг муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилган ва, шунингдек, мамлакатимизни янада тараққий эттиришни таъминлайдиган устувор йўналишлар бўйича ҳаракат стратегияси белгилаб берилган.

Ҳаракатлар стратегиясида узоқ муддатли стратегик мақсадларимизга эришиш, яъни замонавий ривожланган давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини тубдан яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга холисона баҳо бериш, давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари кўрсатиб берилган.

Фармонда қайд этилганидек, “Айни вақтда – мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда” [3]. Шу маънода, Президентимиз фармони ушбу серқирра жараённинг тарихий, мантиқий ва қонуний замини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омиллари, ўзига хос хусусиятларини ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб беришга қаратилган мулоҳаза ва таҳлиллар бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини яна бир бор исботлади. Бу эса ўз навбатида, асл қиёфасини турли найранглар билан беркитишга ҳаракат қилаётган вайронкор мафкураларнинг муттасил хуружи рўй бераётган бугунги мураккаб замонда уларга қарши тура оладиган бунёдкор ғояларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаш, мамлакатимиздаги тинчлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, жамиятимизнинг барқарор тараққиётини таъминлашга хизмат қиладиган замонавий дунёқарашни шакллантириш имконини беради.

Президентимиз таъбири билан айтганда: “Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади... Ана шу бунёдкорлик жараёнининг қудратли ва ҳал қилувчи кучи, ҳеч шубҳасиз, кўпмиллатли халқимиздир» [4.5]. Бу ҳол жамиятимиз ҳаёти ва халқимиз тафаккурида мустақил тараққиёт давомида эришилган натижаларни ҳис қилиб яшаш, жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш ва аҳолининг барча қатламлари онг-шуурида келажакка ишонч туйғусини янада мустаҳкамлаш ишида барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Адабиётлар:

1. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.- 483 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.–Т.: Ўзбекистон, 2011.- 439 б.
3. Халқ сўзи.- 2017.- 8 февраль.
4. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.- Т.: Ўзбекистон, 2016.- 54 б.
5. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.- Т.: Ўзбекистон, 2016.- 486 б.

Ўзбекистон Миллий университети,
2017 йил 10 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. М.Б.Бекмурадов)